



Олий БАХТ

ГАЗЕТА 1991 йил 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 21 сентябр, чоршанба № 156 (1997)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КОЛЛЕЖГА ХОРИЖ ЖИҲОЗЛАРИ

Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти, республика ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, «Кредит-шталт Фюр Видерауэр бау банкининг «Ўзбекистон-Германия» Ахборот ва коммуникация технологияси соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳасига республикамиз бўйича 14 та касб-хунар коллежи киритилди. Шулардан бири Жиззах транспорт ва алоқа коллежидир.

Лойиҳага мувофиқ бу ўқув масканига Германияда ишлаб чиқарилган 5 та компьютер, уларга хизмат кўрсатувчи сërвис маркази келтирилди.

ШИФОХОНАГА ЯПОНИЯ ГРАНТИ

Аرنасой тумани Марказий касалхонаси жамоаси Япониянинг 77 миң 270 АҚШ доллари қийматли грантини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ушбу муқофот ҳисобидан ўтган ойда ультратовуш, электрокардиограф, гастродифракоп, беморни кузатиш монитори, лорингоскоп, катта жаррохлик тўлими, автоклаф ва электроотсос аппаратлари келтирилиб ўрнатилди.

Туманда сўнги йилларда 4 та қишлоқ врачлик пункти, 2 та амбулатория қурилиб, ишга туширилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларига Ўзбекистоннинг Муस्ताқиллик қуни муносабати билан ўзининг самимий табрикларини йўллашдан мамнунман.

Мамлакатимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш йўлидаги ишончли ҳамкорлигимиз давом этишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор ўзининг самимий ҳурмат ва эҳтирмларини изҳор қилиб қоламан.

Висенте Фокс КУЕСАДА, Мексика Қўшма Штатлари Президенти

МЕХНАТДАН ШУҲРАТ ТОПГАН ФЕРМЕР

Фаргона вилояти Данғара туманида яшовчи тажрибали пахтакор Бурхонжон ака беш йил илгари «Сирдарё» ширкат ҳўжалигидан 21 гектар ер олиб, фермер ҳўжалиги ташкил этганида. Бироқ, ҳўжалигининг ери заҳ бўлгани сабабли ҳосилдорлик анча паст эди. Сўнги деҳқончиликда қотган Бурхонжон ака орқага чекинмади. Дастлабки йилдаёқ кўзланган натижага эришди.

Ҳозир «Бурхонжон Маҳкамов» фермер ҳўжалигининг ер майдони 60 гектарга етган. Утган йили ҳўжаликнинг соф даромади ўн миллион сўмдан зиёд бўлди.

Ерни боқсанг, ер сени боқди, деган гапда чуқур маъно бор, - дейди фермер Бурхонжон Маҳкамов. - Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Халқимиз фермерликнинг аҳамияти, масъулиятини тобора тушуниб етмоқда. Ахир, юртимиз дастурхонининг тўқинлиги, ҳаётимизнинг фаровонлиги деҳқон меҳнатининг самарадорлигига боғлиқ эмасми? Шу боис биз ҳам белгиланган режаларни ҳар йили ортиги билан бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Фермер бу йил 27 гектар майдонда бугдойнинг «Половчанка» навини парваришлади. 78 тонналик ҳирмон ўйди. Ҳосилдорликни 65 центнерга етказди. Шунинг тенг ярми ҳўжалик аъзоларига қолди.

33 гектар ерда «Тошкент-6» нави пахта парвариш қилинди. Барча агротехник тадбирлар талаб даражасида бажарилди. Фермер ҳўжалиги биринчи теримдаёқ 102 тонна пахта топшириб, режани удаллади. Йил бўйи тиним билмай тер тўққан фермер учун бу йил жуда қувончли қелди. Бурхонжон Маҳкамов мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан Президентининг Фармонида кўра «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. (ЎзА)

Пискент туманининг Ислиддин Ҳайдаров номидаги ширкат ҳўжалиги пахтакорлари жорий йили 797 гектар майдонда пахта етиштирди. Улар мавсумда давлатга икки миң тонна пахта хом ашёсини топшириш мақсадида йигим-терим суръатини оширишмоқда.

Пахта йигим-терими билан бир қаторда галла экиш мавсумини ҳам бошлаб юбордик, - дейди ширкат ҳўжалиги раҳбари Солиҳўжа Ҳайдаров. - Жорий йили икки ярим миң тонна галла етиштирдик.

Пахтакорларимиз ҳам мўл ҳосил етиштирди. Мақсадимиз бу йил ҳам туманда биринчилардан бўлиб режани удалаш. Ҳозирда мавжуд пахта майдонларимиз 238 оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Ер ўз эгасини топаётганининг бугунги ҳосил чўғидан ҳам билса бўлади.

Суратда: илгор теримчи Гулмира Холмурадова.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат



ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Республикамиз Президентининг «Қишлоқ ҳўжалик махсудлари ярмаркасини ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига биноан Тошкент шаҳрида ўтказилган ярмаркаларга Жиззахдан кўнига 20 та юк машинасида 90 тоннадан ортиқ мева-сабзавот ва полиз махсудлари жўнатишмоқда.

Ярмарка давомида олма, узум, картошка, қовун-тарвуз, асал каби ёз нэматлари пойтахтимизнинг Сирғали тумани аҳолисига етказиб берилаётир. 105 тонна картошка, 77 тонна мева, 272 тонна полиз, 2 тонна асал, 350 тонна сабзавот шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қилинади.

БАРНО - ХАЛҚАРО КўРИК ГОЛИБИ

Фалларол туманидаги 17-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Барно Нарзуллаева «Мафтункор ранглар дунёси» халқаро кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Август ойи бошларида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Йиқ ота» оромоҳида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Жанубий Корея, Афғонистон республикаларидан ташриф буорган 17 ёшгача бўлган ногиронлар орасида ўтказилган ушбу танловда жижазалик Барно Нарзуллаева энг юқори соврин - 100 миң сўм пул, «LG» русумли рангли телевизор билан мукофотланди. Н.БЎРИЕВ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ишхотларнинг асосий мақсади халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилалар, кексаларга муруват кўрсатишга жиддий аҳамият берилаяпти.

Жорий йилнинг биринчи январидан бошлаб мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамағари бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни амал қилмоқда. Қонун талабларига кўра ҳўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаб, даромад солиғи тўланаётган шахслар тизимида мажбурий асосда иштирок этишлари.

Еши улуг қишлоқларни ижтимоий ҳимоялаш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир, - дейди биз билан сўбатда «Халқ банк»и Навоий шаҳар филиали бошқарувчиси О.Ҳалимов. - Вазиляр Маҳкамасининг «Фуқароларнинг жамағари бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори пенсионерларга қўшимча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобидан даромадларини ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шунинг билан бирга иш берувчилардан пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий шaroитларини яхшилаш учун маъсулият тўғрисида янада кучайтиради.

Қарор ижроси бўйича мўайян ишлар амалга оширилди. Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган 521 та ҳуқуқий шахслар томонидан «Халқ банк»и филиалига 48 миңдан ортиқ анкета тақдим этилди. Ҳужжатлар қайта назоратдан ўтказилган бўлиб,

компьютер хотирасига киритилди. Ходимларга пенсия дафтарчалари тўлиқ тарқатилди.

Барча юридик шахслар - иш берувчилар, турли мўлк шаклидаги қорхоналарда ёл-

ланиб ишловчи фуқаролар, мулкдорлар, фермер ҳўжаликлар аъзоларининг пенсия таъминоти тизимида қатнашишлари мажбурийдир. Юридик макомга эга бўлмаган тадбиркорлар, деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари, ўй беклари, вақтинча ишламайдиган қишлоқларнинг жамағари бориладиган пенсия тизимида иштироки ихтиёрлиқ асосида амалга оширилади. Биз пенсия дафтарчалари олган фуқаролар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Ҳамид Раваънов, Адолат Худойкулова, «Электримбэ-вод» ишчилари Улхар Каршова, Элиза Юн, «Қишлоқ-ҳўжалиқимиз» вилоят ташкилоти хизматчилари Абдурауф Барноев, Ойбек Содиқов, «Қизилқумметен» қорхонасида Абдумалик Яхшиев, Исмоил Қўличевлар билан сўбатлашганимизда ҳукуматимизнинг қариялар учун

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ятратган қулайлигидан мамнунликларини, келгусида ҳар бир фуқаро қўшимча маблағга эга бўлиши айна мўддао эканлигини изҳор этдилар. Вилоят «Халқ банк»и ва Давлат солиқ бошқармаси ходимлари биргаликда жамағари бориладиган пенсия

192 миңга яқин ишчи-хизматчиларни, инженер-техник ходимлари тизимида қатнашадилар. Бугунги кунда 171 миңга анкета қабул қилиниб, пенсия ҳисоб рақамлари очилди. Уларнинг ҳаммасига пенсия дафтарчалари ёзилиб, тарқатилди. Қарор ижросини таъминлаш ва ташкилий-техникавий ишларни юқори сифатда ўтказиш учун Давлат тижорат «Халқ банк»ининг республика бошқаруви томонидан 15 та замонавий компьютер ажратилди. Ҳозирга қадар вилоятда 800 миллион сўмдан зиёд пенсия бадаллари банк филиалларига келиб тушди.

Пенсия таъминоти қаролатилган моддий замин ҳисобланади. Маблағларни вақтида кўчириб беришда Навоий кон-металлургия компанияси 5-руда бошқармаси, «Навоийцемент», «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятлари барнага ўрнати бўлишяпти.

«Пахтабанк» ходимлари Ф.Убайдуллоев, Ш.Саидов, «Навоийазот» акциядорлик жамиятидан М.Тошмуродов, Н.Раваънов, Л.Захарчук, О.Саторов, Навоий шаҳридаги 18-мактаб ўқитувчилари С.Нажмиддинова, Е.Бахметова ва қабилар ҳукуматимиз қарори фуқароларнинг нафақа ёшига етиб, пенсияга чиққанда моддий томондан ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлашди.

И.ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

тизими иштирокчиларининг ҳуқуқлари тўғрисида меҳнат жамоалари, қишлоқ ва маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Ҳар бир иштирокчи шахсий маблағлардан давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганидан кейин фойдаланиш мўмкин. Жамағарларнинг ҳолати, унга ҳисобланган фонслар тўғрисида маълумотлардан хабардор бўлиш мақсадида исталган вақтда «Халқ банк»и филиалларига мурожаат қилишди. Бунинг учун етарли маълумот ва тажрибага эга бўлган ходимлар бириктирилди. Банк филиалларида «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди.

Вилоят статистика бошқармасининг маълумотларига кўра воҳода фаолият кўрсатаётган 6701 та қорхонага, ташкилот, муассаса, деҳқон-фермер ҳўжаликларига ва бошқа субъектларнинг

СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

20 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар юзасидан кўзга тилинган жиноий ишнинг дастлабки терговда яқунланган қиммига биноан 15 нафар айбланувчига нисбатан тергов яқунларини кўриб чиқиш бўйича очик суд мажлиси бошланди.

Маъмур жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигидаги Олий суд судьялари Воҳид Назаров, Йўлчибой Турсуновдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллежияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Иш бўйича раислик қилувчи Б.Жамолов суд мажлисини очди ва судланувчилар Собиров Мўйдин Имонқулович, Ҳамидов Фарҳод Умарович, Турғунов

Аваз Тўлкинович, Ҳожиёв Тавакқалбек Нўмонқонович, Ҳакимов Алишер Олимжонович, Нодиров Ғўлом Баҳоди-рович, Юсупов Азизбек Умарович, Иброҳимов Абдувоис Эргашевич, Ортиқов Муҳаммадшокир Содикқонович, Ҳожиёв Илҳом Нўмонқонович, Эргашев Валижон Йўлдошбоевич, Имонқулов Лочинбек Абдимўминжонович, Бурхонов Жаҳонгир Жўрақонович, Туропов Хўсан Ҳакимович, Ҳожиёв Абдулҳафиз Сафимовичга нисбатан жиноий иш эшитилаётганини эълон қилди. Улар

лиги эълон қилинди. Давлат айбловчилари айблов ҳулосасини ўқиб эшиттирди. Далилларни текшириш тартиби белгиланди. Бу жараён давомида судланувчилар, жабрланганлар, даввогар фуқаролар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, шунингдек, ушбу иш бўйича тўлган бошқа далиллар текширилади. Суд жараёнини 100 га яқин хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда. Суд жараёни давом этмоқда. Олий суд матбуот хизматида маълум қилинишича, суднинг кейинги мажлиси 21 сентябр соат 10 да бўлади. (ЎзА)

ҲОМИЙЛАР КўМАГИДА

Ҳатирчи туманидаги «Пўлкан Шоир» номидаги ширкат пудратчилари ўтган йили ёппасига фермер ҳўжаликларига бўлинди-ю, қишлоқ аҳолининг ҳам елкасига офтоб тоғадиган бўлди. Аввало ўзларини иқтисодий жиҳатдан ўнглаб олган фермерлар биринчи гапда кўча ва гузарларни обод этишга киришдилар.

Мамлакатимиз Президентини томонидан ободончиликка, айниқса, ёш авлод таълим олишида зарур бўлган мактабларга эътиборнинг кучайтирилишига тўғри келди. Улар то шу пайтгача қурилиши тугалланмаётган мактабни тўздан қайта таъмирлашга бел боғладилар. Фермерларнинг хоҳиши ва истакларини инобатга олган туман ҳокимлиги қўли гул 7-қурилиш жамланмаси курувчиларини ушбу қурилишга жалб этди.

Туманда олижаноблик ҳиммати билан мактаб қурилиши ҳашарига отланган фермерлар сони ҳозирда миңдан ошиб кетди. Бугунги дорилмон кунларимизнинг қадрига етган қишлоқ тадбиркорлари фарзандларимизга илм ўргатадиган гушаларга маъмур йилда 610 миллион сўм ҳисобда ҳомийлик мадади бердилар. Натижада тумандаги 6-, 9-, 10-, 11-, 38-, 53-каби йигирмадан зиёд мактаблар бинолари жорий таъмирдан чиқарилиб, ўқувчиларга дарсликлар ва спорт анжумлари келтирилди. Айна пайтда ҳар бири 325 ўринли бўлган 19-, 74- ва 50-мактаблар бинолари тўздан қайта таъмирланиши тугалланди.

Б.САДРИДДИНОВ

Спиртли ичимликнинг инсоният тарихида бирон-бир кишига фойда келтирилганини ҳануз ҳеч ким билмайди. Лекин у эрни хотиндан, отани боладан, ақани уқадан жудо қилганини, қанчадан қанча умрни барбод этганини ҳақиқатан мисоллар бисёр. Биз қаламга олган қотиллик ҳам ана шу қасофат оқибатида содир бўлган.

Умид Абдусаҳатов бўлмағур қилиқлари билан Поп туманидаги Чодак қишлоғида танилган. Бу қишлоқнинг таърифига эса сўз ожиз. Шундоқ қўл узатсангиз ет-гудек жойда чўққилари булутларни ўлган, елкасида ёз жазирасида ҳам қумушимон қорлар аримайдиган, ён бағрини ямайил арчалар қоплаган асрий тоғлар ястанган, Шундай гўзал гушларда Умид сингари тўнғиз табиати одамлар туғилганлигига ачинай кетасан. Хуллас, бу йигит дунёга келибдики, жамаиятга сояси тушмаган. Қишлоқнинг қаерида уруш-жанжал ва тўполон юз берди, билингки, уша жойда Умиднинг топасиз. Эндигина 28 ўшини қаршилаганлигига қарамадан аллақачон икки бор судланган улгурди.

Дастлаб, 2001 йил 4 сентябрда, сўнг 2002 йил 8 май кунини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилган. Яхши отга бир қамчи, дейдилар. У бундан тегишли ҳулоса чиқариб олиши керак эди.

риб ўтиради, камини уша ерда бутлаймиз, - деди Умид шишадан дош дўсти Самига қараб.

Икки «шоховоз» бир-бировларига суяниб, айтилган чойхона сари йўл олишди. Улар ашиқдан кирганларида чойхоначи миҳозлардан бирини

Хуллас, Умид аввалги жиноятлари учун берилган жазолардан тегишли ҳулоса чиқариб олишга ўзига эп кўрмади. Тагин

«қарзингни қачон тўлайсан» дея ёқсидан оғиб турган экан. Ҳаким Муллажаонов арқони қамроқ истеҳмоқ қилганини, ҳар ҳолда хушрўроқ қуринарди. Оёқда аранг туриб эшикдан кириб келган икки улфатнинг ҳолати унга ёқмади.

— Нима, арқони бошқа ерда ичиб бу ерга келасини, қаерда ичан бўлсанг, уша ерга бориб қирган, - дея уларни ҳайдамоқчи бўлди.

Жиноят ва жазо

хис этган Умиднинг қуртириб юборди. Жангари қишлоқларда кўрганлари эсига тушди, бу ердигилар ва шериги Самига Масандов кўзи олдида аёвсизлик билан личоки ишга солди. Жавобгарликни оширадиган ҳолатда олдинда Ҳаким Муллажаоновни

киши ўтиришганди-ку! Нега улар ўртага тушишмади, қотил қўлидаги личоки тортиб олишмади? Гап шундаки, Самига ҳам, чойхонада ўтарганлар ҳам арқонини қўлига айланишган. Юз бераётган жанжал оқибатини ўйлаб кўришга, таҳлил этишга қодир эмас, ақлари оқиз эди. Қарангки, Самига Масандов қотил шеригини бир оғиз гап қўшиб ҳам қайтаришга ярамади. Тўғри, бунинг учун уларга чора кўришга қонун оқиз. Аммо, дунёда аялдан деган тушуна ҳам бор-ку. Шу тариқа қаттагина бир оила бошлиғи, чойхоначи Ҳаким Муллажаонов арқ қасофати тўғрисида қотил қўлидан қим топди.

— Халқимизда ким қилмағай, ким тортмағай, деган доно нақл бор, - дейди Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи, аялмас маънафатчиси Мўминжон Бобомирзаев. — Ҳушёрми, мастми жиноятчи - ўз жиноий қилишини учун жавоб беришга мажбур. Қолаверса, мастликда содир этилган жиноят жавобгарликни оширадиган ҳолат саналади. Шу боис, Умид Абдусаҳатов содир этган қишлоқларга яраша жазосини олд.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Чойхонадаги ҚОТИЛЛИК

ўша зўравонлиқни, безориликни, кўтанинги ўроғини, кетганининг кетганини олишда давом этди. Бу гал ҳаммасидан ошиб тушди.

— Ҳакимнинг чойхонасига бо-

